



“Барча иллатлар илдизи ишсизликдан эканлигини англадик...”

2-с.

Хатто ҳар бир кўчани ихтисослаштириш имконияти бор

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
11 июнь,
Чоршанба

Маҳалла

№47
(2271)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

“Йўл харитаси”да ҳеч бир муаммо эътиборсиз қолмаган

“Олдинлари ишга жойлашиш, касб-хунарга ўқиш, ўз бизнесини очиб учун субсидия ва кредит олиш, уни ривожлантириш учун турли идораларда сарсон бўлишларди. Энди бу каби муаммолар ўтмишга айланди”.

2-с.

“Авваллари тadbиркорга бугунгидек кўмак бермаган эдик...”

“Маҳалла еттилиги” иштрокида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, чорвачилик ва деҳқончиликдан ташқари, савдо-сотик, тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиряпмиз”.

4-с.

“Хизмат уйида бўлганим ҳудудни туну кун назорат қилганимдек...”

“Маълумки, жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлади. Шу боис, кўча бошилари, фаоллар ва ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳларини ташкил этиб, кузатув-назорат тadbирларини ўтказяпмиз”.

5-с.

Ҳар бир оиланинг ҳайсибир кўмакка эҳтиёжи бор

“Ижтимоий ҳодимларга кичик тавсия билдирмоқчиман. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар куни камиди бештадан хонадоннинг ҳолатини ўрганишни одат тусига айлантиринг. Одамлар билан қанча кўп гаплашсак, уларга ўзимизни яқин олсак, ҳудудимиздаги муаммолар шунча тез ечим топиб бораверади”.

6-с.



ЖАРАЁН

МАҲАЛЛА 710 МИНГТА ОИЛА БИЛАН ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Маҳалла-ларда камбағал оилаларга кўмак чоралари ижтимоий шартнома асосида кўрсатилади.

“Оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган кўмак чораларини кўрсатишга доир тартиб-таомилларни такомиллаштириш тўғрисида”ги Хукумат қарорига кўра, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган ҳар бир оиллага ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклаш, уй-жой шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, таълим йўналишларини қамраб олувчи индивидуал режа ишлаб чиқилди.

Содда тилда тушунтирганда, энди сиз маҳаллага ёрдам сўраб чиқсангиз, сиз билан ижтимоий шартнома тузилади. Шартномада



белгиланган вазифаларни bajarib, ижтимоий ёрдам оласиз. Ижтимоий шартнома камбағал оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли вакили ва ушбу оила яшайдиган маҳалла раиси ҳамда ҳоким ёрдамчиси ўртасида тузилади.

Шартнома шартлари оддий: маҳалла эҳтиёжманд оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлайди. Сиз эса фарзандларингизнинг дарсларга мунтазам қатнашишини таъминлашингиз, уй-жойнинг санитария ҳолатини яхши сақлашингиз, томорқангиздан самарали фойдаланишингиз, имтиёзлар асосида ажратилган моддий-техника воситалари ва маблағларни мақсадли

ишлатишингиз керак бўлади.

Ижтимоий шартномадан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир оиллага индивидуал ёндашиб, уларнинг “оёққа туриши”га кўмаклашиш орқали камбағалликдан чиқариш, камбағал оилаларнинг ўз муаммоларини мустақил равишда ўзи ҳал қилиш имкониятини яратишдан иборат. Ижтимоий шартномани 9 452 та маҳаллада “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларнинг 710 мингдан ортиқ меҳнатга лаёқатли аъзолари билан тузиш белгиланган.

Ижтимоий ёрдам олоққимчиси, марҳамат, маҳаллага мурожаат қилинг!

БЕКОРЧИ БЎЛМАГАН ХОНАДОНДА ХОТИРЖАМЛИК БЎЛАДИ



“ЯШИЛ оила”га — электромобиль, маҳалла”га — 500 миллион сўм!

2025 йилги Давлат дастурига асосан, Ўзбекистонда “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилади, “Экофаол фуқаро” турмуш тарзи оммалаштирилади.

“Экофаол фуқаро” макomini олган шахсларга давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва банкларда истеъмол кредитини олишда имтиёз тақдим этилади. Оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” макomini олганда, ушбу оиллага “яшил оила” макomini берилди ҳамда улар ҳар йили очик танлов асосида 14 та электромобилдан бирини ютиб олиши мумкин.



Тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдасини тарғиб қилишни кучайтириш дастури ишлаб чиқилади.



Аҳолисининг ями “яшил оила” макomini олган маҳаллаларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловлари ўтказилади. Ҳали маҳаллаларга 500 миллион сўм ажратилади. Мазкур маблағ эвазига маҳалла аҳолисининг

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

тақлифларини ўрганган ҳолда, ҳудуддаги йўллар таъмирланади, болалар майдончаси курилади, энерготехжамкор ёритиш ускуналари, чиқинди қутилари ўрнатилади. Мазкур тартиблар июнь ойи давомида ишга туширилади.

ҲЕЧ БЎЛМАСА, УЙДА ЮГУРСАНГИЗ ҲАМ СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ





Президент Шавкат Мирзиёев футбол бўйча ЎЗБЕКИСТОН ва ҚАТАР терма жамоалари ўртасидаги учрашувни стадиондан кузати.



ФИФА раҳбари Жанни Инфантино ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБ, Ўзбекистон ўз тарихида илк бор Жаҳон чемпионатида чиққани билан табриклади.



Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо, Болгария Республикаси Президенти Румен Радев расмий ташриф билан ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ.

ПРЕСС-КЛУБ

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бектемир туманидаги "Роҳат" маҳалласида ташкил этилган Халқаро пресс-клубнинг махсус сессиясида энергия тежамкорлиги тўғрисида сўз юритилди.



Сессияда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари, тегишли ташкилотлар вакиллари, "маҳалла еттичилиги" аъзолари қатнашди. Масъуллар электр энергияси ва табиий газ истеъмоли бўйича белгиланган янги тарифлар, унинг аҳамияти, кам таъминланган оилаларга бериладиган имтиёзлар хусусида маълумот беришди.

Кайд этилганидек, 2025/2026 йилги иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўшимча моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга иситиш мавсуми арафасида 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилади. Бу тоифадаги шахслиги рўйхатини "маҳалла еттичилиги" аъзолари шакллантиради. Қолаверса, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва "Камбағал оилалар реестри"га киритилган оилаларга газ ва электр энергияси учун йил бўйи компенсация тўланади.

Бугунги кунда маҳаллаларда аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиб бериляпти. Натижада оилалар нафақат ўз эҳтиёжини қоплаяпти, балки ортиқча электрни давлатга сотиб, даромад ҳам қилмоқда. Бу борада маҳалла фаоллари, "еттилик"нинг хизмати катта. Хатто эҳтиёжманд оилаларга маҳалла бюджетидан текинга панеллар ўрнатиб бериляпти.

Сессияда энергия тежамкорлиги борасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, муқобил энергия ресурсларидан фойдаланиш даражаси, соҳага оид имтиёزلардан аҳолининг хабардорлиги хусусида фикр билдирилди.

“Барча иллатлар илдиизи ишсизликдан эканлигини англадик...”



“Яшил макон” умумийлик лойиҳаси доирасида қарийб 11 гектар майдонда 6 та боғ ташкил этилди.



Санъат РЎЗИКУЛОВ, Каттақўрғон туманидаги Мелихўжа номидаги маҳалла раиси.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бошланган бунёдкорлик ишлари чекка ва олис ҳудудларда яшовчи одамлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Эйтиборлиси, жараёнда аҳолининг фаол иштироки кузатилди.

Бу фикрлар исботини маҳалламиз мисолида кўриш мумкин. Худудда 5 та — Мелихўжа, Тонг қўрғони, Энамяхши, Энамяхши-2 ҳамда Агрес қишлоғи жойлашган. Умумий майдон — 7 155 гектар.

Кейинги пайтда кўчаларимиз анча эътиборга муҳтож ҳолга келиб қолганди. Инфратузилма абгор аҳволда, ижтимоий объектлар таъмирталаб эди. Юқоридаги ташаббус асосида беш ой давомида қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қисқа муддатда ичимлик сув, электр энергияси таъминоти яхшиланди. Йўллар раvon бўлди, ариқ-зовурлар тозаланди, бандликни таъминлашга эришилди, газ таъминоти яхшиланди. Бир нечта ижтимоий соҳа объектлари янгидан

қурилган бўлса, қолганлари капитал таъмирланди. Ҳомийлик асосида ўта оғир шароитда яшовчи, эҳтиёжманд тоифадаги 16 та оилага кўмак кўрсатилди. Жумладан, 4 та оилага уй қуриб берилди, 12 таси таъмирланди, 857 та хонадон ободонлаштирилди.

Яқингача эски бинода фаолият олиб борардик. Табиийки, аҳоли муурожаатлари билан ишлашга қийналардик. Ҳомийлик ва ҳашар йўли билан 7 та хонадан иборат замонавий маҳалла биноси барпо этилиб, “маҳалла еттичилиги” фаолияти учун шарт-шароит яратиб берилди. Бинонинг ён қисмида жойлашган гузар таъмирланиб, хотин-қизлар учун тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда 12 та иш ўрни яратилди.

Хусусан, ички кўчаларнинг 2,2 километр қисми жорий таъмирланди, 1,5 километр йўлга асфальт, 2,8 километр тупроқ йўлга тош ётқизилди, 2,2 километр пидедалар йўлаги барпо этилди. 2 та янги трансформатор пункти ўрнатилди, 14 таси капитал таъмирланди, 37 километр СИП кабеллар, 3,1 километр янги электр тармоғи тортилди. 730 та янги темир-бетон устун, асосий кўчаларга 84 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. 3 та газ тақсимлаш пункти ва 2,8 километр газ тармоғи таъмирланди.

Битта умумтаълим мактаби мукамал, учтаси жорий таъмирланди. Янги “Workout” спорт майдончаси барпо этилди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун маҳалладаги футбол майдони таъмирланиб, қарийб 2 200 метр пидедалар йўлаги қурилди. 19-ДМТТ биноси ҳомийлик ҳисобидан 4 миллион сўм маблағ эвазига замонавий қиёфага келтирилди.



ТАЖРИБА

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Йўл харитаси”да ҳеч бир муаммо эътиборсиз қолмаган

Маҳалламиз Фориш ва Зафаробод туманлари билан чегарадош. Аҳоли сони 4,5 минг нафар. “Усини нуқта” миз — қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатинч. Худудда 3 та ишлаб чиқариш корхонаси, 43 та кичик бизнес субъекти ва 8 та хизмат кўрсатиш объекти, 27 та озик-овқат савдо дўкони мавжуд. 2 та умумтаълим мактаби ва 1 та ихтисослаштирилган мактаб ҳамда 4 та оилавий мактабгача таълим муассасаси фаол янги олиб боради.



Эрмат РАЖАБОВ, Арнасой туманидаги “Янгибўстон” маҳалласи раиси.

Маҳалладаги ишсиз фуқароларни иш билан банд қилиш учун барча имкониятлар мавжуд. Олдинлари ишга жойлашиш, касб-хунарга ўқиш, ўз бизнесини очиб унчун субсидия ва кредит олиш, уни ривожлантириш учун тури идораларда сарсон бўлинарди. Энди бу каби муаммолар ўтмишга айланди. “Маҳалла еттичилиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида давлат идоралари ва халқ ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатилди. Йил бошида оилаларнинг ижтимоий аҳоли, томорқасидан фойдаланиш даражаси, тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқини аниқлаш бўйича ўрганиш ўтказдик. Унга қўра, 121 нафар ишсиз рўйхатга олинди. Аҳоли хонадонларини тоифаларга



Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истикомат қилувчи 10 нафар ёш спортчилар жаҳон чемпиони, 3 нафари Осиё чемпиони ҳисобланади. Кураш, каратэ, чет тиллари бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

ажратиб, даромадини ошириш бўйича манзилли “Йўл харитаси” ишлаб чиқдик. Натижада ишсизларнинг барчаси иш ўрнига эга бўлди.

Аҳоли тикувчилик, хизмат кўрсатиш, қўрпа-тўшак тикиш ва касана-чилик фаолияти билан ҳам шуғулланишини инobatга олиб, бу соҳаларни қўшимча “драйвер” сифатида ривожлантиряпмиз. Жумладан, ишсизларнинг 47 нафари касаначилик асосида, 12 нафари тикувчилик соҳасида, 12 нафари тадбиркорлик йўналишида банд бўлди. Беш нафари “Баширанг” кўшма корхонасига ишга жойлашди, 32 нафарига имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, хонадондаги меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиб, шундан сўнг уларга даромад топишлари учун асбоб-ускуна ажратиб беряпмиз. “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га қирган 36 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машинаси ва асбоб-ускуналар

олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истикомат қилувчи 37 нафар фуқарога чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона фаолияти билан шуғулланишлари учун 1 млрд. 560 млн. сўм микдорига имтиёзли кредит ажратилди. “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида етакчи тадбиркор 11 та хонадонда иссиқхона йўналишида кооперация ташкил этди. Касана-чиликни ривожлантириб, корхонага бориб ишлаб олмайдиган, болалар тарбияси билан машғул бўлган аёллар, ногиронлиги бор фуқароларни иш билан таъминладик. Жами 38 та янги корхона иш бошлаши натижасида 91 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, “MEHRIMOH LIDER”

масъулияти чекланган жамиятига 60 млн. сўм маблағ эвазига 8 та тикув машинаси олиб келинди.

Меҳнат мигрантлари билан ишлашда “Сайхунобод тажрибаси”дан фойдаланяпмиз. Хориждан қайтган фуқароларга томорқада маҳсулот етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак беряпмиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 9 та оилага “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолида маҳалла институтига нисбатан ишонч янада ортди. Фуқаролар ҳар қандай муаммо маҳаллада ечилишига гувоҳ бўляпти. Шу сабабли ўзлари ҳам яқин кўмақдош, елкадошга айланяпти. Инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ҳашар ва ҳомийлик орқали ечим топиляпти.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фориш тумани бўлими ташаббуси билан “Дўстлик” маҳалласида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 12 НАФАР ИШСIZ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

— Ушбу тадбир туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, мажбурий ижро бюроси ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фориш тумани бўлими бошлиғи Шавкат Исломов. — Худуддаги 32-умумтаълим мактабидан ўтказилган меҳнат кўразмасида иш билан банд бўлмаган аҳоли, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда мактаб битирувчилари, алимент тўловчилар иштирок этди.

Тадбирда турли соҳа вакиллари, давлат ва хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўзларидаги бўш иш ўринларини тақдим этишди. Жумладан, корхона ташкилотлардаги мавжуд 14 та бўш иш ўринларига 12 нафар фуқарога жойлаштирилди.



Ўзбекистоннинг ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ май ойи якунлари бўйича 49,66 миллиард долларга етди.



Биринчи чоракда ЭНЕРГИЯ СУБСИДИЯЛАРИ УЧУН давлат бюджетидан 5,4 триллион сўм ажратилди.



Тошкент шаҳрида мулкдорлар компенсацияси, йўлақар куриш, Янги Ўзбекистон кўчасини ободонлаштириш учун 80 МИЛЛИАРД СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ИССИҚДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШ КЕРАК?

Ёзнинг иссиқ кунларида, айниқса, чорва ҳайвонлари ва товукларни боқиб анча мураккаб жараён. Жумладан, йирик шохли қорамоллар ва қўйда тери безлари яхши ривожланмаган. Шу боис улар юқори ҳароратда тез-тез нафас олиш, яъни ҳансираш орқали танасидан ортиқча иссиқликни чиқариб ташлайди. Бу терлашга нисбатан анча самарасиз бўлиб, кўп куч ва энергия сарф бўлади. Ўз-ўзидан улардан олинаётган сут ва гўштни салмоғи камайд.

Муҳиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Одатда иссиқ кунларда қорамоллар учун энг мўътадил ҳарорат 30 даража ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати 38 даражага етганида иссиқ уриш касаллиги юзага келиши ҳам мумкин. Бунга йўл қўймастик учун, аввало, уларни усти ёпиқ, очик айвонларда сақлаш керак. Шу орқали табиий елвизак таъминланади. Шунингдек, кишадагидан фарқли равишда уларнинг бироз эркин бўлиши ва сайр қилиши учун имконият яратиб берилсин. Айниқса, соғин сигирлар парваришланаётган бинода майдончалар бўлиши шарт.



Агар моллар сони кўп бўлса, иссиқ ҳарорат ва димлик янада ошади. Бундай ҳолатда сув пуркаш воситаларини ўрнатиб яхши самара беради. Кўпчилик ҳўжалиқларда, шунингдек, аҳоли хонадонларида боқилаётган моллар иссиқ кунларда одатда сутқасига икки маротаба сугорилади. Бу аслида етарли эмас. Чунки молнинг чанқоқ ҳолатда сақланиши унинг ривожланишига салбий таъсир этади. Шу боис майда ва йирик шохли молларни бир кунда камидан уч-тўрт маротаба сугориш лозим.

Товуқлар ҳам жазирамани хуш кўрмайдиган парранда бўлиб, асосан, соя-салқинда ўзини эркин ва беҳавотир ҳис этади. Иссиқда нафас олиши қийинлашади, қанотларини кенг ёйиб ерга ётиб олади. Шу ҳолатга гувоҳ бўлганда эҳтиёткорлик билан сув пуркаш лозим.

Тўғри ва керакли чора кўрилмаса, тухум туғиш камайд. Тухумлар кичик, мўрт ва бўлак қобиғи билан чиқади. Шу сабабли товук сақланаётган ҳудудни нам бўлмаган ерга қўчириб, иссиқликдан сақлаш талаб этилади. Ҳарорат мўътадил бўлиши керак.

Озиқлантиришда сув билан намланган емлар, сувга бой мева ва сабзавот (тарвуз, бодринг, помидор, олча, қовун, қовоқ) фойдали ҳисобланади. Кечкурун овқатлантириш мақсадга мувофиқ. Сабаби совуқ ҳарорат уларнинг иштаҳасини оширади.

Озиқлантириш тартибига оҳақтош қумини қўшиб янада афзаллик беради. Чунки улар калцийга бой бўлиб, тухум қобиғини мустаҳкамлаганини оширади ва сиртни янада силлиқ қилади.

Ташаббус даромад манбаига айланди

Чортоқ туманидаги “Кесканёр” маҳалласида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ёшларга ажратилган ерларда картошка ҳосили пишиб етилди.

— Албатта, бу ташаббус ёшларга нафақат иш ўрни, балки барқарор оилавий даромад манбаини ҳам яратиб бермоқда, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Чортоқ тумани бўлими бошлиғи Муҳаммадjon Незамитиллаев. — Мазкур тажриба, аввало,

давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг ёрқин намунасидир. Ўзига ажратилган 15 сотих ердан

юқори ҳосил олаётган ёшлардан бири — Мунаввар Ҳабибуллаева. У “Ёшлар дафтари”да рўйхатда туради. Эндиликда ўзини-ўзи банд қилиб, нафақат оилавий даромадини ошириб, балки тенгдошларига ибрат бўлмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



ТАШАББУС, ТАКЛИФ

Ҳатто ҳар бир кўчани ихтисослаштириш имконияти бор



Ихтисослашувидан келиб чиқиб, қайсидир соҳани “драйвер”га айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бугунги куннинг устивор йўналишига айланган. Узим шу мақсадда олдин аҳолининг ижтимоий аҳволи, мавжуд инфратузилма ва имкониятларни ҳар томонлама ўрганиб чиқдим. Таҳлиллар асосида етакчи “ўсиш нуқта” сифатида узумчилик ва чорвачилик соҳалари танлаб олинди.

Юсуфбек АКБАРОВ,
Булоқбоши туманидаги Мирзақалон Исмоилий номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси.

Мазкур ихтисослашув асосида мавжуд 405 та хонадон эгаларининг 380 таси узумчилик билан шуғулланади. Кўчаларнинг 4 километрга яқин қисмида имтиёзли кредит асосида тоқзор барпо этилган. Хонадонлар йилига 4 тоннагача ҳосил олади. Биргина Йўлбоқ кўчасида ўтган йили 820 тонна узум етиштирилиб, 450 тонна экспортга йўналтирилди. Жорий йил ҳам хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузилган. Ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш учун махсус совитгич ҳамда омбор қурилган.

Экинни тўғри парваришлаш ва юқори ҳосил олиш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Камбағалликни

қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташаббуси билан маҳалланинг ўзида махсус агропарк ташкил этилган. Юқорида таъкидлаганимдек, кўчаларнинг 4 километр бўш турган қисмидан унумли фойдаланяпмиз. Кўп дехқонларимизга узумчилик — отамерос касб. Баҳордан кузгача меҳнатини қилиб, роҳатини кўришади.

Аҳоли биргина узумчилик билан чекланмаган. Ҳосил пишиб этилгунга қадар, хонадон эгалари паррандачилик, чорвачилик, гулчилик ортидан яхшигина даромадга эга бўлади.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида Ақромжон Қосимов эчкичиликни йўлга қўйган. Эчки сути даромади бир ойда 6-8 миллион сўмни ташкил этмоқда. Гўшtidан ҳам шунча фойда олиш мумкин. Бунинг ортидан йиллик даромад — 100 миллион сўм. Битта эчки бир кунда 2-2,5 литрдан сут беради. 10 минг сўмдан 30 минг сўмгача сотилади. Хонадон аёллари чеварчиликни ҳам йўлга қўйган.

Козимжон Мусаевнинг ҳовлисидаги тоқзор 6 сотихдан иборат. Ишдан ажралмаган ҳолда йилига

6-7 миллион сўм даромад топомоқда. Кўчасида барпо этилган воиш кўшимча 4-5 миллион сўм соф фойда олиб келмоқда.

Маъмуржон Насриддинов оилавий тадбиркор сифатида мебелчиликни йўлга қўйган. 2024 йилда тавсиямиз асосида олган 100 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига фаолиятини янада кенгайтди. Жами ҳудудда 225 нафар тадбиркор бор. Уларнинг 40 дан ортиғи хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Йилдан-йилга бу рақам ўсиб бормоқда. Мисол учун, ўтган йили тадбиркорлар 175 нафарни ташкил этарди. Йил якунигача уларнинг сонини 300 нафарга етказиш режамиз бор.

Маҳалламизда камбағалликни қисқартириш долзарб вазифага айланган. Йил бошида 75 та камбағал оила бор эди. Ҳозир 20 та қолди.

Ишсизлар 56 нафар эди. Бу қатлам билан ишлаш жараёнида, аввало, уларнинг қизиқиши, истаги, орзуси билан яқиндан танишимиз ва улар билан яқин тартибда тренинглар ўтказдим. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ҳар бир инсон ўз қизиқиши ортидан иш билан банд бўлиб, моддий манфаатдорлик кўра олади. Бунинг учун эса асосий ҳаракат босқичма-босқич

режалаштира олиш эканлигига улар ўз фаолияти давомида гувоҳ бўлишди. Натижада ишсизликдан холи ҳудудга айландик.

Осиё Исмоилова хонадонидан ўрганиш олиб борганимизда, эр-хотин ишсиз экани аниқланди. Улар камбағал оилалар рўйхатига киритилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда зарур ёрдам кўрсатилди. Жумладан, хонадонда субсидия асосида иссиқхона ташкил этилиб, 35 бош зотдор товук берилди. Бундан ташқари, уйига туташ бўлган кўча қисмига савдо дўкони қурилди. Шунингдек, хонадонга мева сақлаш учун 10 тонналик совитгич ўрнатилди. Бу ерда маҳаллада етиштирилган узумлар ижара асосида сақланади. Турмуш ўртоғи Воҳид Исмоилов “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатмоқда. Бугун хонадон аъзоларининг бандлиги таъминланиб, рўйхатдан чиқарилди.

Ихтисослашувни янада ривожлантириш имконияти бор. Бунинг учун кўшни кўчада ҳам узумзор ташкил этмоқчимиз. Аммо айрим хонадон эгаларининг молиявий имконияти чеклангани учун режамиз тўхтаб қолмоқда. Тақлидим, шу йўналишда фаолият бошлаш учун эҳтиёткорлик билан субсидия ажратилса, янги иш ўринлари яратилади.



Худудда бозор ва бошқа жамоат масканлари мавжудлиги боис туман марказидан ўтувчи катта йўлнинг шундоққина юзиде ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилди. 21 та камера ўрнатилиб, ускуналар битта компьютерга интеграция қилинган. Бу жараён вазиятни доимий кузатиб бориш ва юз бериш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олади.

БИЛАСИЗМИ?

“Чемпион” тадбиркор бўлмоқчимиз?

“Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодийтаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонига кўра, тез ва юқори суръатларда ўсаётган ишбилармонларни “чемпион” тадбиркорларга айлантириш дастури амалга оширилиши белгиланган.

“Чемпион” тадбиркорларга айлантирилган ташкилотлар рўйхатига айрим мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлар киритилади. Яъни талабгорлар туман (шаҳар) даражасида; — ҳар бир туман (шаҳар)да камидан иккитадан йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан юқори ва 50 тадан ортиқ; — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — ҳар бир худудда камидан бештадан йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан юқори ва 500 тадан ортиқ; — республика даражасида — йиллик айланмаси 1 триллион сўмдан юқори ва 5 мингдан ортиқ иш ўринини яратган бўлиши лозим.

Зокиржон ОТАХОНОВ. Қўрғонтепа тумани:

— Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, хонадонимда мебел ишлаб чиқарман. Бу орқали иккита иш ўрни яратганман. Биланмизки, зарур хомашё хориждан олиб келинади. Маълум бўлишича, Президент қарори билан соҳа ходимларига бир қатор имтиёзлар яратилибди. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛДИ?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Мебель ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортни рағбатлантириш, шунингдек, соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида “Мебель ва ёғочсозлик sanoatining ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тад-



МЕНДА САВОЛ БОР...

бирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2029 йил 1 январгача мебел ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айрим турдаги хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитур ва аксессуарлар импортда боғхона божи 1 фоз ставкада қўлланилади. 2025 йил 1 июлдан ўз хонадониде фаолият юритадиган яқка тартибдаги тадбиркорларга мебел маҳсулотларини тайёрлаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақдим этилади.

2025 йил 1 августдан маҳаллий мебел технологиялари учун ривожланган хорижий мамлакатлардаги нуфузли ташкилотларнинг соҳага тегишли бўлган малака сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.



Эндиликда ННТлар хорижий сафарлар ҳақида адлия органларини ОНЛАЙН ХАБАРДОР ҚИЛАДИ.



Италия 2026 йилдан Ўзбекистон фуқароларини ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН 1 500 та квота ажратади.



“Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида “ТАЛАБАЛАР КИБЕРСПОРТ ҲАМРАЎИ” мусобақалари ташкил этилади.

ЖАРАЁН

ЭНГ МУҲИМИ, АНИҚ РЕЖА ВА МАҚСАД БОР

Янгибозор тумани – Хоразм вилоятининг чекка ва ҳудудий жиҳатдан йирик туманларидан бири. Бу ердаги 30 та маҳаллада тўқсон мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда ушбу туман аҳолиси бандлиги таъминланиб, даромадлари ортишига эришилди. Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, sanoat ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Бу жараёнда “Хоразм тажрибаси” яхши натижа берапти. Хусусан, “Янги ёп” маҳалласи туман марказида жойлашгани сабабли хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш йўналишларига ихтисослашган. Бундан ташқари, иссиқхоначилик, паррандачилик, хунармандчилик ва балиқчилик йўналишлари асосий даромад манбаи саналади. Маҳалла хонадонларининг 80 фоизи камида 3 хил йўналишда ўз уйда фаолият ташкил қилган.

сифат ва тезкорлик мавжуд. Асосийси, маҳалла ёшлари ушбу устaxonада қасб сирларини ўрганиш билан бирга, шахсий даромадига ҳам эга. Маҳаллаларда ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркор ва хунармандлар сонини кўпайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш – энг тўғри йўл. Роман ака Сайилхонов ҳам ёшлигидан асаларичилик илмини ўзлаштириб, ўз уйда бу фаолиятдан яхшигина даромад топапти. Унинг тажрибасини кўни-қўшнилари ҳам ўзлаштирган. Роман ака ўз ишини янада кенгайтирмоқчи. Бу нафақат оила учун кўшимча даромад, балки ички бозорда асаларичилик маҳсулотларининг барқарорлашувига бир ишбилармоннинг ҳиссаси бўлади.



Шохиста Юсупова тумандаги тиббиёт марказида фаолият юритиши билан бирга, озиқ-овқат дўкони ва новвойчилик фаолиятини йўлга қўйган. Ўзи ва бандлиги таъминланган маҳалладошларининг яхшигина даромад топишида ушбу новвойхона жуда кўл келяпти. Моҳир новвойлар кунига 500 тадан 800 тагача нон тайёрлаб, дўкон ва расталарга етказиб беради. Бугун буюртмалар кўп, иш қизгин, талаб кундан-кунга ортмоқда. Шу сабаб тадбиркор аёл новвойхона фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Маҳаллада Шохистахонга ўхшаган тадбиркор аёллар кўпчиликти ташкил этади. Муҳими, уларнинг сафи ортиб борапти.

Хуллас, “Янги ёп” маҳалласида барча тармоқларда иш қизгин. Асосийси, фуқароларда аниқ режа ва мақсад бор. Жорий йилда маҳаллани ишсизликдан ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бош мақсадга айланган.



“Янги ёп” маҳалласига бориб, маҳоратли темирчи уста қайси хонадонда яшайди, деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмай Ғломжон Каримовнинг устaxonасини кўрсатишади. Бу ерда ҳар кун иш қизгин. Оддий темирдан ўнлаб турдаги темирчилик намуналари ишлаб чиқариляпти. Тайёр маҳсулотлар вилоятнинг турли манзилларига етказиб берилляпти. Талабга яраша

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

“Авваллари тадбиркорга бугунгидек кўмак бермаган эдик...”



“Маҳалла еттилиги”нинг ташкил этилиши маҳаллаларда янги “драйвер”ларни кашф этди. Аҳолини ишли қилишга, кўшимча даромад топишга ўргатди. Энг муҳими, барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Жумладан, солиққа оид юмушлар ҳам.

Сарвар ЮСУПОВ, Яккабоғ туманидаги “Қоратут ота”, “Кўштегирмон” ва “Хонақа” маҳаллалари солиқ инспектори.

Туман марказидан 25 километр олинса, тоғли ҳудудда жойлашган мазкур маҳаллалар аҳолиси, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳозирда ҳар бир хонадонда 4–5 та чорва мол, 10–50 та қўй-эчки бор. Ушбу маҳаллаларга бириктирилган “еттилик” аъзолари билан уйма-уй юриб, солиқ тўловчиларни рўйхатга олдим. Одамларга солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот бериб, томорқаларидан самарали фойдаланишни, солиқ тўловларни вақтида тўлашни тушунтирдик. Бугун ҳар бир одам томорқасида рўзғори учун зарур поллиз маҳсулотлари экиб, кўшимча даромад оляпти.

Олдин тадбиркорлар билан алоҳида гаплашилмаган, тадбиркорликка қизиқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатилмаган. Бугун эса ҳар бир тадбиркорнинг олдида бориб, солиқ соҳасига доир зарур маслаҳат бериб, онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топириш,



Бугунги кунда “Қоратут ота”, “Кўштегирмон” ва “Хонақа” маҳаллаларида 1 859 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор.



камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтириб борапмиз. Бу, ўз навбатида, яширин иқтисодиётнинг олдини олишга ҳам хизмат қилляпти.

Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда тадбиркорликка қизиқувчи фуқароларга амалий кўмак бериляпти. Ишни нимадан, қандай бошлашни ўргатяпмиз. Маслаҳатларимиздан тўғри фойдаланганлар ўз бизнесини ривожлантириб, яхши даромадга эга бўляпти. Янги

иш ўринлари яратяпти. “Кўштегирмон” маҳалласида яшовчи Барно Олимова ана шундайлардан бири. У тикувчилик цехи ташкил этиб, тўрт нафар хотин-қизни ишли қилиб, аҳоли буюртмалари асосида кийим-кечак ва кўрпа-тўшак тикияпти. “Хунарманд” уюшмасига ҳам аъзо бўлди. Шербек Тошов эса “Sher eshik derazalari” оилавий корхонасини йўлга қўйиб, дераза ва эшик ромлар ясаляпти. Эндиликда одамларнинг узок йўл босиб, шаҳарга боришига ҳоҳат қолмади.

“Маҳалла еттилиги” иштирокида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, чорвачилик ва деҳқончиликдан ташқари, савдо-сотик, тикувчилик, ишлаб чиқариш, маийши хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиряпмиз. Натижада тадбиркорлар сони ортиб, солиқ тушумлари 15 фоизга ўсди. Бугунги кунда юридик корхоналар сони 56 тага етди. Уларнинг 40 нафари фермер хўжалиги бўлиб, шундан 15 таси чорвачиликка ихтисослашган. Қолгани лалми ер майдонларида арпа ва бўғдой еттиштириди. Шунингдек, 72 та деҳқон хўжалиги, 36 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритяпти. 1 420 нафар фуқаро турли соҳалар, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан ўзини ўзи банд қилишган.

Ҳар кун навбатма-навбат маҳаллаларда бўлиб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўллариин изляпман. Чорвачилик яхши ривожлангани учун келгусида гўшт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Агар яхши инвестор топила, аҳоли туман марказига сўт ташиб юрмайди, қолаверса, кўшимча иш ўринлари яратилади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Огоҳлантиришсиз жарима қўлланилмайди

2026 йил 1 январдан бошлаб, солиқ органлари рақамли маркировка қондаларига риоя қилинишини масофадан назорат қилишни бошляпти. Текширувлар тадбиркорни чақирмасдан ва унинг фаолиятига аралашмасдан фискал чек ва электрон ҳисобварақ-фактураларни таҳлил қилиш асосида амалга ошириляпти.

Агар ахборот тизими томонидан қондаларига риоя қилинишини назорат қилишни бошляпти. Такрорий қондаларига риоя қилинишини назорат қилиш асосида амалга ошириляпти. Учунчи марта қондаларига риоя қилинишини назорат қилиш асосида амалга ошириляпти.

Аввалги тартибга кўра, огоҳлантиришсиз жарима қўлланилар эди. Энди тадбиркорлар молиявий жазоларсиз хатоларини тузатиш имкониятига эга бўлмоқда.

Рақамли маркировка қондаларига риоя қилинишининг масофавий текширувлари доирасида икки марта огоҳлантиришдан сўнг жарима қўллашди.



юмшатишдан ёндашув жорий этиляпти.

Жарима чораклик соф тушумининг:

- биринчи марта – 0,2 фоиз;
- иккинчи марта – 0,4 фоиз;
- учунчи марта – 1 фоиз;
- тўртинчи марта – 2 фоиз миқдориди қўлланилади.

Мазкур тизим фақат масофавий текширувларга

тааллуқли. Агар икки марта огоҳлантиришдан сўнг тадбиркор бир йил ичида тўртинчи марта маркировка қондаларини бузса, бир йил давомида тўланган ҚҚС суммаси қайтарилмайд.

Рақамли маркировка қондалари бузилишининг олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 сентябрдан онлайн назорат-касса техникалари орқали кассадаги чек фақат маркировка коди киритилгандан кейин шакллантирилади. Бу маркировка қилинган маҳсулотнинг қодини сканерлашсиз сотиш эҳтимолини тисгно қилади ва савдо жараёнида шаффофлик ҳамда назоратни таъминлайди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

ТЕКШИРУВЛАР ҲАҚИДА ТЕЗКОР БИЛИБ ОЛИНГ!

Тадбиркормисиз? Яна текширув келдим? Охириги марта қачон текширув ўтказилганини билмайсизми?! Унда бу маълумот айна сиз учун муҳим!

Барча тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги текширувлар ҳақидаги маълумотларни “Telegram” мессенжериди @tekshiruvinfo_bot га солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)ни киритиш орқали ёки “SMS” тарзида 4064 қисқа рақамига “ИНН” сўзи, бўш каттак қолдириб, СТИР рақамини киритиш орқали тез ва осон билиб олишлари мумкин. Фаолиятингизда ўтказилган барча текширувлар бўйича govcontrol.uz орқали рўйхатдан



ўтиб, батафсил маълумот олсангиз бўлади. Ўз фаолиятингизда ўтказилган текширувлар қонунчилигини таъминлашга бефарқ бўлмаган. Назорат қилувчи органлар ҳодимларининг ноқонуний ҳаракатлари аниқланган ҳолатлар юзасидан Бизнес-омбудсманга хабар беринг!

Бизнес-омбудсман.



Биринчи чорақда 2 миллион 116,9 минг нафар Ўзбекистон фуқароси туризм мақсадида ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА САФАР ҚИЛГАН.



Тошкентдаги Шота Руставели кўчаси тўлиқ реконструкция қилиниб, йўл ўРТАСИДА ТЕЗЮРАР АВТОБУС ЙЎЛАГИ ётқизилади.



Малайзия Ўзбекистонда АВТОЙЎЛЛАР ҲОЛАТИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ БАЗАСИни яратди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Мингтепа” минглар ичида биринчи

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Кўрик-танловда тadbиркор ва хунармандлар, томорқа эгалари ўз кўрғазмалари билан қатнашди. Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган жамоалар иштирокида ўтган танлов мurosасиз ўтди. Унда жиноятчилик, ишсизлик, оилавий ажралиш, камбағаллик, миграциядан холи, томорқадан самарали фойдаланишда илғор тажрибаси бўлган маҳаллалар орасида муносиблари танлаб олинди.


Маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида Пискент туманидаги “Мингтепа” маҳалласи биринчи ўринни эгаллади. “Маҳалла еттилиги” аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Муҳаббат ОТАЖОНОВА. Хоразм вилояти:

— Васиятнома қандай расмийлаштирилади? Агар у бекор қилинса ёки ўзгартирилса, нима бўлади?

ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?



Гулжаё ЖУМАЕВА, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси:

— Қонунчиликка кўра, васиятнома нотариус иштирокида расмийлаштирилади. Бу ҳолатда васият қилувчи (мулк эгаси) ўз мулкни кимга қолдирмоқчи эканини ёзма равишда билдириши лозим. Васиятноманинг икки хил тури мавжуд. Биринчиси, очик васиятнома — васият қилувчи ёзади ёки унинг айтган сўзларини нотариус ёзиб олади. Имзолашдан олдин васият қилувчи бу матнни ўзи ўқиб чиқади. Агар ўқишга имкони бўлмаса (касалик, кўрмаслик, саводсизлик ва бошқа сабаблар), нотариус васиятномани ўзи ўқиб эшиттиради. Иккинчиси, махфий васиятнома — васият қилувчи васиятномани ўз кўли билан ёзиб, имзолайди ва уни иккита гувоҳ ҳамда нотариус иштирокида конвертга солиб, муҳрлаб қўяди. Бу ҳолда нотариус васиятноманинг мазмунини билмайди, яъни махфийлиги сақланади.

Васиятномани расмийлаштириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш унинг ишончлилиги ва адолатли бажарилишини кафолатлайди. Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Янги васиятнома тузилган тақдирда, аввалги васиятнома янги ҳужжатга зид бўлган қисмлар бўйича автоматик равишда бекор қилинади. Агар васиятнома бекор қилинса, унинг барча нусхалари йўқ қилиниши лозим. Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинганда олдингиси қайта тикланмайди.

Қонунчиликка белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги унинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди. Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан, меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Учтут” маҳалласи туман марказидан 40 километр олинса, тоғ этакларида жойлашган. Шу боис бироз эътибордан четда қолган эди. 2021 йил “Обод маҳалла” дастурига тушгач, учтутликларни йиллар давомида қийнаб келган муаммолар ҳал этилиб, зарур қулайликлар яратилди. Жумладан, ичимлик ва оқар сув келди. Маҳалла идораси, иккита мактаб, битта боғча тўлиқ таъмирланиб, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Йўллар соз ҳолатга келтирилди.



“Хизмат уйида бўлганим ҳудудни туну кун назорат қилганимдек...”

Максуд ЙЎЛДОШЕВ, Навбахор туманидаги “Учтут” маҳалласи профилактика катта инспектори, майор.

Буни қарангки, тўрт йилдан бунён “яшил” тоифадами. Назаримда, аҳолига яратилган қулай шарт-шароитлар ҳам жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, ишсизлик жиноятчиликнинг асосий сабабларидан

бири эканини инобатга олган ҳолда, фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Маҳалла “драйвери” иссиқхоначилик, асосан, помидор, бодринг, лимон етиштирилади. Жорий йилнинг ўзига 100 га яқин фуқаро томорқасида иссиқхона ташкил этди. Учтутликлар иссиқхонадан ташқари, томорқаларида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, чорва моллари боқишади. Иш тажрибаларимга тўхталадиган бўлсам, ҳар куни эрталаб “маҳалла еттилиги” аъзолари

ва еттига кўча бошилари билан ҳолда гаплашиб, тун қандай ўтганини сўрайман. “Еттилик” еттига кўчага бириктирилган бўлиб, улар шу кўчада яшовчилар билан доимий алоқада. Фуқароларга телефон рақамини тарқатиб, ҳар бир кўча кираверишига ҳам алоҳида ёзиб қўйганман. Одамлар бирор нохуш ҳолатларга гувоҳ бўлса, менга алоқага чиқишади. Оилам билан ушбу маҳаллада профилактика инспектори учун қурилган хизмат уйида яшаётганим учун туну кун воқеа жойига зудлик билан етиб бораман. Қолаверса, кечяо кундуз шу ҳудудда бўлганим, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқолишталлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда қўл келяпти.

Яқинда Нурота туманида ўғрилик содир этиб, қидирувга берилган ушбу маҳаллада яшовчи бир фуқарони суриштирувлар асосида Навойи шаҳрида ушладик. 1 майдан 30 июнгача давом этаётган “Қорадори — 2025” тadbiri доирасида олиб борган суриштирувларимиз натижасида “Учтут” маҳалласида битта, кўшма маҳалладаги иккита хонадонда гиёҳванд моддаси ўсимлиги экилганини аниқладик.

Ҳаёт давом этар экан, турли келишмовчилик ва низолар, ҳуқуқбузарликлар бўлиб туради. Фақат уларнинг барвақт олдини олиш зарур. Бу борада “маҳалла еттилиги” аъзолари билан зарур чора-tadbirlar олиб боряпмиз. Низоли, спиртли ичимликка ружу қўйган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпман. Ҳар бири ҳақида “маҳалла еттилиги” аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этилгиз. Шу тариқа нотинч оилалар яраштириляпти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти.

Ҳудуд туман марказидан олис бўлгани учун маъмурий суд ишларини ҳам хизмат хонадан туриб, онлайн шаклда олиб боряпман. Бу мен учун ҳам, фуқаролар учун ҳам қулайлик яратяпти. Қолаверса, вақтимизни, нақдимизни тежаяпмиз.

Маълумки, жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлади. Шу боис, кўча бошилари, фаоллар ва ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳларини ташкил этиб, кузатув-назорат тadbirlarини ўтказяпмиз.

“ Ҳудуднинг асосий кибир-чиқиш кўчаларига инсон юзидан танийдиган, автотранспорт воситаларининг давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқлайдиган замонавий видеокузатув қурилмалари кўйилиб, вилоят ИИББ ва хизмат хонамга интеграция қилганман. Келгусида бундай қурилмаларни янада кўпайтирамиз.



БИЛАСИЗМИ?

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ

Қонунчиликка кўра, йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга қуйидагилар тақиқланади:

- телефондан фойдаланиш, теле, видео маҳсулотларни куриш;
 - радио-аудио маҳсулотларни эшитиш;
 - китоб ёки даврий матбуот ўқиш;
 - эътиборни чағлтирадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш.
- Мазкур қоидаларга риоя этмаганлик базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг учдан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлиши мумкин. **Унутманг, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди.**



ОГОҲ БЎЛИНГ!

ФИРИБГАРЛАР ФИРИБИ КЎПАЙМОҚДА

XXI аср — ахборот технологиялар асри бўлиб, кибержиноятлар кундан-кунга ошиб боряпти. Масалан, телефон рақамингизга бегона шахслар кўнғироқ қилиб, ўзини банк ходими деб таништирганларга тасдиқлаш коддини асло берманг. Чунки улар — фибрибгар.

Шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғидаги турли хил ҳавоаларни ҳамда “арк” иловаларни очманг. Шу билан бирга, телеграм, инстаграм ижтимоий тармоқлардаги онлайн савдо билан шуғулланувчи тadbirkorларга олдиндан тўлов ўтказманг. Сизга кўнғироқ келади ва ўзини сиз фойдаланганидан телефон компания оператори деб таништиради. Сиз билан бўлган шартномаси яқунланганини ва тунги соат 24:00 да иш фаолияти тугаб, рақам блокланишини маълум қилади. “Сизда имконият бор, бир йилдан ўн йилгача муддатни узайтириш, сизга қайси бири қулай”, дейди. Керакли муддатни танлаганингиздан сўнг рақамга банк пластик

картасини қўшишни сўраб, сиздан маълумотлар олади. Ва ҳисобингиздаги пул ечиб олинади. Дарҳақиқат, кибержиноятлар — бу интернет ва ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар бўлиб, улардан огоҳ бўлиш, замонавий даврда ҳар бир фойдаланувчи учун муҳим. Кибержиноятларга қарши курашишда профилактика энг самарали воситадир. Ҳар бир фойдаланувчи ўз рақамли ҳаётига масъулият билан ёндашса, бу хавфли жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлади.



Шундай экан, интернет ва телефондаги сўзлашуларда хушёр бўлинг, яқинларингизни ҳам огоҳликка чорланг.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати.



23-25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТнинг ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФОРУМИ ўтказилади.



МЕҲМОНХОНА ҚУРИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ УЧУН субсидия мuddати 2025 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.



Оролбўйи иқлимида ЁГИНГАРЧИЛИКНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ жорий этилади.

“Меҳрли қўллар”нинг меҳридан баҳрамандмиз”

Риштон туманининг “Носгар” маҳалласида фаолият бошлаган “Меҳрли қўллар” нодавлат муассасасида 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилди. Мазкур хизмат доимий парваришга муҳтож болалар ва уларнинг яқинлари учун айна мuddао бўлаётир.

Хуршидабегим ҲАКИМОВА, Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармасининг Ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш шўъбаси мудири.

чиниқтириш машқлари ёрдамида энгиллатиш, ривожланмаган ички ва ташқи ҳиссий сезгиларни уйғотиш, нутқ ва эшитиш билан боғлиқ муаммоларга амалий ёндашиш учун малакали мутахассислар, жумладан, уқаловчи, дефектолог ва логопед жалб қилинган.

— Мутахассисларимиз 10 йилдан буён айнан ногиронлиги бўлган болалар билан ишлашди, — дейди муассаса раҳбари Субҳидан Салиева. — Уларда етарлича тажриба ва кўникма шаклланган ва ҳар бир бола билан индивидуал тарзда иш олиб борилади. Шунингдек, ота-оналарга болаларни уй шароитида парваришлаш бўйича тавсиялар берилади.

Гулмирахон Турсунова кўшни Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти Спитамен туманидан келган. У ўн яшар ўғли Юсуфнинг таянч-ҳаракат аъзоларидаги нуқсонлар аста-секин йўқолиб



бораётганидан беҳад миннатдор. — Оналар фарзанди учун ҳар қандай оғир синовларга ҳам дош беради, — дейди Гулмира Турсунова. — Мени ҳам юзлаб километр масофа босиб, бу томонларга келишимга оналик меҳри сабаб бўлди. Ушбу муассаса ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали хабар топдим ва қимматли ишлар билан келдим. Вақтинча ижарада яшаймиз. Ҳозирда оғир ҳолатдаги ижобий ўзгаришларни кўриб, қувончимни

ичимга сиғдиришга тўғри келди. — 14 йилдан буён қизимнинг



оғизга тикилган — бир оғиз гапирармикан, деб, — дейди Нодирахон Ёқубжоновна. — Шу муассасага фарзандимни олиб келгач, “ая” деган биринчи сўзини эшитдим. Моҳинур яна ўнга яқин сўзни талаффуз қилишни ўрганиб олди. Жудаям бахтиёрман. Қизимдаги ўзгаришлар бир томон, ўзимнинг шу муассасага ишга жойлашганим яна бир томон бўлди. Шунча йиллик диққанатлиқ ортда қолганига шукр! Туман “Инсон” ижтимоий хиз-

матлар марказининг Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш шўъбаси мудири Аҳлиёр Жумаевнинг маълум қилишича, маҳаллардаги ижтимоий ходимлар томонидан ўтказилган хатлов натижасида кундузги парвариш хизмати билан қамраб олиш мумкин бўлган болалар сони туманда 96 нафарни ташкил этиши аниқланган. Педагогик тиббий-психологик комиссияси ҳозирга қадар уларнинг 18 нафарини кундузги парвариш хизматида жалб қилиш юзасидан хулоса берди ва келгусида алоҳида таълимга жалб қилинмаган болаларни ушбу хизмат билан тўлиқ қамраб олиш мақсад қилинган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилиши мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамоғида қолишини таъминлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олишига хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган муассаса ҳозирда 18 нафар ногиронлиги бўлган ўғил-қизни ўз бағрига олган. Болаларнинг таянч-ҳаракат аъзоларидаги нуқсонларини жисмоний

●●●●● ТАҚДИРЛАР

НОГИРОНЛИК, БУ — ЧЕКЛОВ ЭМАС

Президентнинг 2025 йил 8 майдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижтимоий ҳаётда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Ушбу ҳужжат ногиронлиги бўлган фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Юқори Чирчиқ туманида мазкур фармон ижроси доирасида амалга оширилётган ишлар эътиборга молик.

Тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти натижасида юзлаб инсонлар иш билан таъминланди, ўз орзу ва мақсадларига етишига замин яратилди. Хусусан, “Чумқужар” маҳалласида истиқомат қилувчи Амирхон Ҳуломқодиров болалигидан банк соҳасида фаолият юритишни орзу қилган. Ўз олдига мақсад қўйган, иродали йигит бугун уни амалга оширди ва бу орқали ўз салоҳиятини жамиятга намоён эта олди. Амирхоннинг фикрича, ногиронлик, бу — чеклов эмас, балки ҳаётдаги синовларга қарши кураша олиш қобилиятидир.

“Иттифок” маҳалласида истиқомат қилувчи спортчи Наима Иминжоновна эса “Инсон” маркази кўмагида болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий сифатида иш бошлади. У нафақат ёшларга спортнинг сир-асрорларини ўргатмоқда, балки улар учун намуна, ирода ва ишқат тимсолига айланган.

— Ишга жойлашиш биз учун орзу сари йўл, — дейди Наима Иминжоновна. — Жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, фойда келтириш имкони берилиши эса катта бахт. Президентимиз ташаббуси ва “Инсон” маркази каби ташкилотлар орқали бизнинг ҳаётимиз ўзгармоқда.

Юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаяпти. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти нафақат иш билан таъминлаш, балки инсонларнинг ўзига ишончи ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилапти. Марказ орқали минглаб юртдошларимиз истеъдодларини тўлиқ намоён этмоқда, инсонларга наф келтирмоқда. Имкониятлар эшиги ҳар доим очик, фақат унга ишонч, интилиш ва меҳнат билан қадам қўйиш kifoya.

●●●●● ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ҳар бир оиланинг қайсидир кўмакка эҳтиёжи бор

Инсоннинг ҳаётда ўз йўлини топиши кўп жиҳатдан қандай муҳитда улғайганига боғлиқ. Гўдакликдан онг остига муҳрланган манзара ҳамда ўй-фикрлар вақт ўтиши билан қабул қиладиган қарорларимизда акс этиши аниқ. Бунга ўз тақдиримни яққол мисол қилиб келтирмоқчиман. Шифокорлар оиласида катта бўлганим учун уйимизга ёрдам сўраб келадиган беморлар жуда кўп бўларди. Ота-онам улар билан суҳбатлашар экан, болаларча нигоҳим билан термулиб, ўзимча одамларнинг дардини ҳис қилардим.

Шавкат ҲАМИДУЛЛАЕВ, Косонсой туманидаги “Гулбоғ” маҳалласи ижтимоий ходими.

Йиллар ўтиб, гарчи ўқитувчилик касбини танлаган бўлишимга қарамай, қалбим барибир инсонларга ёрдам бериш сари интилаверди. Ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилгач, биринчилардан бўлиб маҳаллада иш бошладим. Эҳтиёжманд ва қийналган тоифадаги фуқароларни кўллаб-қувватлаб, оғирини энгил қиляпман. Бундан кўнглим хотиржам.

Айни вақтда худудимизда 67 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг мушуқлини осон қилиш учун тинимсиз ҳаракатдамиз. 68 та кам таъминланган оиланинг шароитини яхшилаш мақсадида бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Йил бошида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 101 та оиланинг 70 фоизининг фаровон турмуш кечирishiга эришдик. Бунинг учун аёлларни касб-хунарга ўргатган бўлсак, эркекларни шартнома асосида хорижда ишлашга юборяпмиз.

Маҳаллани айланиб юрар эканман, барча хонадонларга бирма-бир кириб чиқишга ҳаракат қиламан.



Тўғри, ҳамма оила ҳам бирдек ёрдамга муҳтож бўлмаглиги мумкин. Лекин кимдир психолог маслаҳатига ёки яна биров юрист хизматларига эҳтиёж сезаётган бўлиши шубҳасиз. Дастлаб Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганда, фақатгина ночор аҳоли вакилларига хизмат кўрсатар эди. Кундан-кунга қамров кенгайиб, энди маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам берапти.

Жорий йил бошидан буён 30 та кейс очилди. Шундан 10 та оиланинг тўлиқ ижтимоийлашувини таъминладик. Қолганлари билан ҳали қилинадиган ишлар бор. Босқичма-босқич барча муаммоларни бартараф этияпмиз. Меҳнатга лаёқатли бўлган 9 нафар ногиронлиги бўлган шахсни ўзига мос жойга ишга жойлаштирдик.

Аҳмаджон Сиронов 1950 йилда туғилган. Узоқ вақт давомида хусусий корхонада ҳайдовчилик қилган. Лекин бахтсиз ҳодиса сабаб бир оёғидан айрилгач, ҳаёт унинг учун тўхтаб қолгандек бўлди. Маълум мuddат

тўшакка миҳланиб ётди. Фуқаронинг ҳолидан хабар олгани борганимизда, протез мосламаси ва ортопедик по-йабзалга эҳтиёжи борлигини билдирди. Тез фурсатда мурожаат ижобий ҳал этилди. Бу ёрдам сабаб Аҳмаджон ака фаол турмуш тарзига қайтди. Ўз оиланинг автомашинасида аввалги ишини давом эттиришга киришди. Ногиронлик гуруҳига чиқариш бўйича тақлиф киритилди, рад этди. Ўзини аввалгидек соғлом ва тетик ҳис қилаётганини билдирди. Энди отахон чойхонага, қариндош-уруғларнинг уйига бемалол бора оляпти.

Яна бир маҳалладошимиз хорижлик йигитга турмушга чиқади. Икки-уч йил бирга кечирилган умр охир-оқибат ажрашиш билан яқун топди. Ўртада бир норасида фарзанд жабрдийдага айланди. Она қизини ишончнома билан бувисининг қўлига топшириб, ўзи яна чет элга жўнаб кетди. Вазиятдан хабар тоганимиз ҳамон қизалоққа васий тайинлаш ишларига киришдик. Барча ҳужжатларни расмийлаштириб, бувисини

болага расмий вакил этиб тайинладик.

Айни вақтда маҳалламизда иккита лойиҳани амалга оширяпмиз. Турмуш ўртоғим ўзбек тили ва адабиётини, синглим инглиз тилидан тўғрақ ташкил этишган. Уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш ниятида 6 нафар кам таъминланган оила фарзандини бепул тахсил олишига имконият яратиб бердик. Ҳозир улар олий таълим муассасасига кириш тадоригида.

Иккинчи лойиҳамиз бўйича эса турли маҳсулотлардан сунвий гул ясайдиган қизга камбағал оила аёлларини хунарга ўргатиш учун бириктердик. Айни вақтда ҳар икки ғоямиз ўзининг ижобий натижасини кўрсатишни бошлаган.

Шу ўринда ижтимоий ходимларга кичик тавсия билдирмоқчиман. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар қуни камда бештадан хонадоннинг ҳолатини ўрганишни одат тусига айлантиринг. Одамлар билан қанча кўп гаплашсак, уларга ўзимизни яқин олсак, худудимиздаги муаммолар шунча тез ечим топиб бораверади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, «Фарғона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари тахририяти ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида 2025 йил 15-22 август кунлари пойтахтимиздаги Тошкент Фотосуратлар уйида «Ўзбекистон — Хитой: ШҲТ доирасида ҳамкорлик» мавзусида фотокўргазма ва танлов ўтказилади.

Ўзбекистоннинг барча фотожурналистлари иштирок этишга тақлиф қилинади. Фотокўргазма ва танловда иштирок этиш учун 2025 йил 1 августга иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзбек-хитой ҳамкорлиги самараларини акс эттирувчи камда 5 та электрон фотосурат тақдим этиш лозим.

Ҳаёт танлаб олган фотосуратлар 15-22 август кунлари Тошкентдаги Фотосуратлар уйи кўргазма залида намоий этилади. Ҳаёт танлаб олган фотосуратларнинг 15 август кунини, фотокўргазма очилишида бўлиб ўтади.

Ҳаёт танлаб олган фотосуратлар билан тақдирланади:
1-ўрин — 1 нафар иштирокчи,
2-ўрин — 2 нафар иштирокчи,
3-ўрин — 5 нафар иштирокчи.

Фотосуратлар ва муаллиф ҳақидаги маълумотномани қуйидаги Telegram рақамига юборинг: +998 88 005-19-51

Ташкилий қўмида: Телефон: +998 94 390-19-51



Қашқадарёдаги "ЛАНГАР ОТА" МАСЖИДИ АҚШ элчихонаси маблағлари ҳисобидан қайта таъмирланди.



Ўзбекистон "Mobiuz" алоқа операторини ХАЛҚАРО СОТУВГА ҚЎЙДИ. Аризалар 1 августгача қабул қилинади.



"IndiGo" авиакомпанияси 1 августдан "МУМБАЙ-ТОШКЕНТ-МУМБАЙ" йўналиши бўйича мунтазам қатновларни амалга оширади.

ЖАРАЁН

МАНЗАРА

Бекорчи бўлмаган хонадонда хотиржамлик бўлади

Одамлар кўнглига йўл топишни билган, ўзгалар дардини ўзиникидек биладиган кишига маҳалла тизимида ишлаш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Айниқса, хотин-қизлар йўналишида анча зийрак бўлиш талаб этилади.



ёнида ташкил этган тамадди-хонасида эндигина ҳовуздан олинган балиқларини ўзлари пишириб сотишади. Унинг маънаси бир татиб кўрган одам, яна қидириб келиши аниқ. Бу оила вакиллари ўтган йили туман миқёсида ўтказилган "Ибратли оила" кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритишди. Хақиқатан, эътирофга ва хурматга лойиқ инсонлар. Ишимиз кўп, қиладиган юмушимиз талай, деб фарзандларини эътибордан четда қолдирмаган. Уч ўғилнинг каттаси ҳарбий, иккинчиси таржимонлик қилади. Кенжа-тойи эса ота-онаси бошлаган ишларнинг давомчиси. Санобар опа 8 кишини доимий банд қилишдан ташқари, яна 20 нафар фуқаронинг мавсумий даромади топишига кўмаклашиб келмоқда. Доим хонадонларга кирганда, уларнинг меҳнаткашлигини намуна қилиб кўрсатаман.

ҲУНАРИ ОРТИДАН ОИЛА ТЎКИС, РЎЗҒОРИ БУТ

Хонадонларда тадбиркорликни йўлга қўйиш нафақат бизнес ва саноат ривожланишига, балки бўш иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилади. Худудларда ушбу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



Латофат ЮСУПОВА, журналист.

Айни вақтда Хонқа туманида 98 минг 856 нафар аёл истиқомат қилади. Бугунги кунга қадар уларнинг 461 нафарига 9 миллион 662 миллион сўм кредит ажратилиб, 1 003 та иш ўрни яратилди. 2025 йилда "Аёллар дафтари"га туман миқёсида 5 666 нафар аёл киритилди. Шундан 69 нафар турли йўналишларда тадбиркорлик қилиши истagini билдирган. Иёл охиригача режадаги ишлар бажариладиган бўлса, яна қўшимча 3 850 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилади.

Туманнинг "Ёш куч" маҳалласида истиқомат қилувчи Гулбахор Раҳмонова хунармандлар оиласида улғайган. "Аёллар дафтари"га ишсизлар қаторида рўйхатга олинган эди. Оила аъзолари билан биргаликда ота касби — бешикчилик билан шуғулланишни бошлаганидан сўнг хонадониди барча ишли ва даромадли бўлди. Фаолияти ривожланиб, эндиликда болалар мебеллари ва унга зарур анжомларни тайёрлаб, сотувга чиқаряпти. Шу шаклда худуддаги яна бир оила хунармандчилик йўналишида фаол тадбиркорлар қаторидан ўрин эгаллади.

Маҳаллада хотин-қизларнинг ўз ишига эга бўлишида бошқа йўналишларда ҳам кўмак берилляпти. — Худудимизда 3 минг нафардан зиёд аёл истиқомат қилиб, ҳозирги кунда 20 нафари тадбиркорлик йўналиши бўйича ўз ишларини бошлади, — дейди "Ёш куч" маҳалласи хотин-қизлар фаоли Гулбахор Мадрахимова. — Бундан ташқари, аёлларимиз чорвачилик, паррандачилик бўйича ўзини ўзи банд қилиб келмоқда. Бу йил "Аёллар дафтари"га 200 нафар хотин-қиз киритилган бўлса, шундан 124 нафарини ишсизлар ташкил этарди. Ҳозирги кунда 30 нафардан зиёди тикувчилик цехларига жалб қилинган. Шу орқали уларнинг бандлиги таъминланди. Урганиш натижасида 100 нафардан зиёд опа-сингилларимиз касб-хунарга ўқиш истagini билдирди. Айни вақтда қадар 25 нафар аёл ўқитилиб, ишларини бошлаш арафасида турибди.



Энг муҳими, хонадонларда иш ташкил қилиш аёллар учун ҳар томонлама қулай. Оила ва рўзғор юмушлари билан биргаликда маълум бир фаолиятни юритиб, ўзи ва бошқа фуқаролар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Холида МУРТАЗОЕВА, Нуробод туманидаги "Меҳнаткаш" ва "Оқсой" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Аёллар ширин сўзининг гадоси, деб бекорга айтишмаган. Хонадонларга кирганимизда, жажл ва зарда билан кутиб олган опа-сингилларимиз бир-икки оғиз чиройли гаплардан кейин бутунлай ўзгаради. Шундан кейингина ўтириб, бафуржа суҳбатлашамиз, муаммоларига бирга ечим излаймиз.

Айни вақтда мен хизмат қилаётган иккита маҳалла худудиди 3 150 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Тоғли худудда жойлашганимиз сабабли аҳоли вакиллари кўпроқ чорвачилик билан шуғулланади. Кўпчилик ёз мавсумида кўй, қорамол боқиш учун оилавий қир-адирларга кўчиб кетишади. Маҳалламиз туман марказидан 40 км. узоқликда жойлашган. Ён-атрофимизда

ишлаб чиқариш корхоналари деярли йўқ. Шунинг учун ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда бироз қийналамиз. Айримлари "Оқсой"даги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳида кунлик даромад топиб келяпти. Бошқалари фермер хўжаликлариди дала ишлари билан машғул. Аёлларимиз ҳам имкон қадар ишлашга, пул топишга ҳаракат қилади. Қанийди, маҳалламизда бирорта йирикроқ корхона ташкил этилса, орзуларимиз амалга ошган бўларди.

Бундан бир неча йил аввал маҳалладошларимиз орасида тикувчилик қиладиган, гилам тўқийдиганлар кўпчилик эди. Лекин тайёр маҳсулотларни бозорга етказишда муаммолар юзага келгани боис ҳозир улар бу иш билан шуғулланмай қўйишган. Агар буюртмачиларни жалб қилиб, шартнома асосида ишлаш йўлга қўйилса, уйда ўтириб даромад топадиганлар анчагина.

Имкон излаган киши доим бир йўлини топади. Бунга Санобар Фармонова яққол мисол бўла олади. Аввалига 8 сотихли томорқасида по-



мидор кўчат етиштиришдан бошлаган фаолияти бугун кенг қамровда давом этмоқда. 40 гектар майдонда буғдой, арпадан ташқари, полиз экинлари етиштиради. Айни вақтда боғида фарқ пишган олма ва ўрикларни қандек пулъяпти. Бу хали ҳаммаси эмас, опа турмуш ўртоғи билан бирга қўй ва чорва молларини боқишни ҳам қўйиллатади. Балиқ етиштиришни-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади. Фермер хўжалиги

Жорий йилда "Аёллар дафтари"га 100 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, шундан 53 нафар ишсизлар эди. Шу кунгача 7 кишининг кредит олишига ёрдам бердик. 6 нафар опа-сингилмиз ўзини ўзи банд қилган. Яна 4 киши доимий ишга жойлаштирилди. Бу борада хали вазифалар кўп. Мақсадимиз — ҳеч кимнинг бекорчи бўлиб қолишига йўл қўймаслик. Шундагина хонадонлар тинч ва фаровон турмуш кечиради.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ УСУЛЛАРИ ҚАНДАЙ?

2025-2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича стратегиянинг устувор йўналишлари белгиланди.



- Улар қуйидагилар:
- ✓ зўравонлик ҳолатлари тўғрисида мажбурий хабар бериш;
 - ✓ мактабларда психологик ёрдам ва хавфсиз муҳит яратиш;
 - ✓ тиббиёт ходимлари учун махсус баённома ишлаб чиқиш;
 - ✓ "Ишонч телефони" фаолиятини йўлга қўйиш;
 - ✓ болаларга нисбатан онлайн зўравонлик ва кибер жиноятчиликнинг олдини олиш;
 - ✓ тезкор ижтимоий хизмат ва муқобил парваршига бўлган имкониятни таъминлаш;
 - ✓ ҳаётий кўникмалар, гендер тенглиги ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича ўқитиш;
 - ✓ барча соҳа мутахассисларини бола ҳуқуқлари бўйича ўқитиш;
 - ✓ болаларнинг хавфсиз муҳит яратишда иштирокини таъминлаш.



"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида Шўрчи туманидаги "Офтобмакон" маҳалласидаги камбағал оилага янги уй қуриб берилди.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Ажбланарлиси, оила вакиллари мутасадди раҳбарлар иштирокидаги сайёр қабулларда сарсон бўлмади. 4 нафар фарзанднинг 2 нафариди ногиронлик бўлса-да, Мақсуда Маҳманова тақдирдан, ҳаётдан миннатдор. Остона хатлаб кўчага чиқмаган, оилавий шароитидан норози бўлиб, ҳеч кимга нолимаган Мақсуда опанинг оиласи, яшаш шароити,

муаммоларини "Офтобмакон" маҳалласининг ижтимоий ходими ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатди. Хонадоннинг моддий ҳолати ва уй-жой шароити таҳлил қилинган, маҳалладаги саховатпеша инсонлар ёрдамга шайланди. — Катта келичим Олмаҳон Хайитовани "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритишди, — дейди Мақсуда Маҳманова. — Барака топишсин, маҳалламиз фаоллари ва саховатпеша инсонлар ёрдамида ҳашир йўли билан барча қулайликларга эга бўлган 3 хонали уй қуриб беришмоқда. Эзгу ниятли яшаш

инсонларнинг бориға шукур. Олмаҳон Хайитова турмуш ўртоғи, иккинчи гуруҳ ногирони Фазилдин Хўшбоков билан икки нафар фарзандни тарбиялаб келмоқда. Яқин кунлардан қурилиш ишлари якунланадиган янги уйга кўчиб қирадиган оила учун бу воқеа ҳаётдаги бурилиш нуқтаси бўлди, десак муболага бўлмайди. Зеро, ушбу ташаббус маҳалладаги ижтимоий бирдамлик ва ўзаро меҳр-оқибатнинг ёрқин намунасиридир. Қийналганларга кўмак бериш, кўнглини кўтариш, оғир дамларда суянчиқ бўлиш халқимизга хос фазилатлардан. Бу қадим аъналар келгани йилларда янада қулоқ ёймоқда, янги ташаббуслар, саховатли амаллар қўлаб-қувватланапти.



“БУТУНЖАҲОН СПОРТ УЙИНЛАРИ – 2025”да қўл жанги бўйича Ўзбекистон вакиллари 13 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритди.



“Eindhoven Cup” халқаро турнирида АБДУМАЛИК ҲАЛОКОВ, ТЎРАБЕК ҲАБИБУЛЛАЕВ ғалаба қозонди.



Самарқанд шаҳрида ШАХМАТ БЎЙИЧА эркалар ва аёллар ўртасида “FIDE Grand Swiss-2025” турнири бўлиб ўтади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

ҲЕЧ БЎЛМАСА, УЙДА ЮГУРСАНГИЗ ҲАМ СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ

Бугунги кунда кўпчилик соғлом турмуш тарзига интилоқда, лекин вақт етишмаслиги ёки ташқарида спорт билан шуғулланиш учун шароит бўлмагани кўп ҳолларда бунга тўқтинлик қилади. Айнан шундай вазиятларда югуриш йўлиги — энг яхши ёрдамчи бўлиши мумкин. Уйдан чиқмасдан соғлом ҳаёт сари ҳаракат қилиш имконияти айна замон талабига мос келади.

Жамшид АБЗАМОВ,
енгил атлетика бўйича мураббий.

Уй шароитида югуриш юрак-қон томир тизими учун ниҳоятда фойдали. Илмий тадқиқотларга кўра, ҳафтасига камида 150 дақиқа ўртача тезликда югуриш юрак касалликлари хавфини 35-40 фоизга камайтиради. Бундай машқлар қон айланишини яхшилаб, қон босимини меърада ушлаб туришга ёрдам беради. Айниқса, юрак фаолияти заиф одамларга аста-секин юклама бериб, хавфсиз тарзда шуғуллантириш лозим.

Шунингдек, югуриш ортиқча вазндан халос бўлишга кўмаклашади. Ўртача тезликда 30 дақиқа югурган одам ўртача 250 дан 400 калориягача йўқотади. Бу эса семизликнинг олдини олиш, қо-

матни тиклаш ва умумий соғлиқни сақлаш учун жуда муҳим. Айниқса, ҳар куни ёки ҳафтасига камида уч-тўрт марта мунтазам машқ қилиш сезиларли натижалар беради.

Яна бир муҳим фойда — бу қондаги инсулин миқдорини назорат қилиш имконидир. Мунтазам жисмоний фаоллик, хусусан, югуриш танани инсулинга сезувчанроқ қилади. Бу 2-тур диабетнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Овқатдан кейинги энгил югуриш, ҳатто қандли диабет бор инсонларга ҳам тавсия қилинади (албатта, шифокор назорати остида).

Югуриш нафақат тана, балки рух учун ҳам фойдалидир. Бундай жисмоний фаоллик пайтида танада эндорфин — “бахт гормони” ишлаб чиқилади. Бу, ўз навбатида, кайфиятни кўтариб, руҳий зўриқиш ва тушқунликни камайтиради. Уйда машқ қилиш ўзингизни эркин ва қулай ҳис қилишингизга ёрдам беради — ҳеч ким кўриб турмайди, хотиржам шуғулланасиз.

Замонавий югуриш йўлақлари махсус юмшоқ платформага эга бўлиб, бўғимларга ортиқча юк тушишини камайтиради. Айниқса, тиззаси ёки белида муаммоси бор одамлар учун бу жуда қулай. Шунингдек, тезлик, бурчак, юриш ёки югуриш тартибини белгилаш имконияти орқали ҳар бир инсон ўз саломатлигига мос машқларни бажариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом бўлиш учун эндиликда узоққа бориш шарт эмас. Югуриш йўлиги орқали ҳар куни 20-30 дақиқа машқ қилиб, сиз нафақат тананингизни чинқиртасиз, балки кайфиятингизни ҳам кўтарасиз, турли касалликлардан ҳимояланасиз. Энг асосийси — бошланг ва уни одатга айлантиринг. Уйда югуриш — саломатликка қилинган энг оддий ва фойдали қадамдир.

БАДАНГАРБИЯ

ЮРАКНИНГ ҲАР УРИШИ, БУ — ҲАЁТ ЗАРБИ!

УНДАН МИННАТДОР БЎЛИШ УЧУН СОҒЛОМ ШАРОИТ ЗАРУР

Бугунги иссиқ кунларда кўпчилик: “Мен соғломман, ўзимни яхши ҳис қилияпман” дея ўзини хотиржам қилади. Аммо савол туғилади: юрагингиз ҳам сиздек хотиржамми? Қон босими юқори бўлса, юрак ҳар уришда қўшимча куч ишлатади. Бу ҳолат узоқ давом этса, юрак чарчайди. Айнан шу сабабдан шифокорлар гипертонияни “ички портлаш” деб аташади.



Шаҳзод ҲАМИДОВ,
олий тоифали фельдшер.

“БУГУН БОСИМИМ ЖОЙИДА-КУ” ДЕГАН ГАПГА ИШОНМАНГ!

Кўпчилик қон босими бир-икки кун яхши чиққани учун ўзини алдайди. “Менда ҳеч нарса йўқ”, “Юрагим соғлом”, дейишади. Аслида, гипертония дегани — бирданига босим кўтарилиб, одам ҳушидан кетиши эмас. У аста-секинлик билан ривожланади. Кутилмаганда хуруж қилади.

Ҳозирги замонда бу касаллик фақат катта ёшдагилар эмас, 25-40 ёшлилар орасида ҳам кўп учрамоқда. Ишдаги руҳий зўриқиш, уйқунинг бузилиши, ҳаракатсизлик, ёғли овқатлар, кўп туз истеъмол қилиш, ичкилик ва чекиш — булар-

нинг барчаси юракка ортиқча юк бўлади. Натижада гипертония бошланганини ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

Айниқса, ёзининг жазирама кунларида қон босими билан боғлиқ муаммолар кескин кўпаяди. Иссиқда одам кўп терлайди, танада суюқлик камаюди, қон қуюқлашади. Бу ҳолат юракни зўриқтиради. Агар тана суюқлик билан бирга, фойдали моддалардан ҳам айрилса — на юрак, на мия тўғри ишлаш олади. Шунинг учун иссиқ кунларда юрак саломатлиги ҳар доимгидан-да кўпроқ парвариш талаб қилади.

ГИПЕРТОНИАНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ 10 ТА ОЛТИН ҚОЙДАСИ

1. Қон босимини ҳар куни текшириб бориң. Айниқса, 40 ёшдан ошган ва оиласида бу касаллик бўлганлар учун бу ҳаракат мажбурий.
2. Туз истеъмолини камайтириң. Кунига 1 чой қошиқдан ортиқ туз танага зарар. Шўр овқатлар, чипс, колбаса — босимни кўтаради.
3. Овқат танланг. Сабзавот, мева, сули, қора нон, балик, кайнатилган гўшт — булар юрак учун фойдали. Қовурма, ёғли, ячим тайёр овқатлар эса юрак душмани.
4. Кунига камида 30 дақиқа пийда юриң. Ҳаракатсизлик қон айланишини секинлаштиради.
5. Оғирликни назорат қилиң. Ортиқча вазн юракка босим қилади. Ортиқча ҳар грамм — юракка юк.
6. Тинч ухлашни одат қилиң. Камида 7-8 соат. Ухломасангиз, юрак тинчмайди.
7. Руҳий зўриқшдан узоқ бўлиң. Асабийлашш босимни оширади. Дам олиш, сеvimли машғулот билан шуғулланиш, нафас машқлари ёрдам беради.
8. Чекиш ва ичкиликдан воз кечинг. Бу одатлар юрак ва қон томирларни торайтиради.
9. Шифокорга боришдан уялманг. Йилга, ҳеч бўлмаса, икки марта умумий қон таҳлили, юрак ЭКГ, босимни текширтириң. Бу касалликларни эрта аниқлашга ёрдам беради.
10. Дориларни ичишни ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйманг. Ўзингизни яхши ҳис қилаётганингиз — даво тўхта-тиш сабаби эмас!

СОҒЛОМ ОВҚАТ ЮРАКНИ САҚЛАЙДИ

Иссиқ кунларда кўпчилик совуқ газли ичимлик, ёғли овқат, фаст фудга ружу қўяди. Аммо бу — юракка зарба. Ёзда танамиз энгил ва фойдали овқатларга муҳтож бўлади. Ҳар бир оғиз овқат — юрак учун ё фойда, ё зарар. Шунинг учун таомнаманингизга қуйидагиларни киритишга ҳаракат қилиң:

- бодринг, помидор, кўкатлар;
- сабзи, қарам, лавлаги;
- мевалар (олма, қовун, тарвуз);
- лимонли сув, табиий шартлар;
- сули, қора нон, ёнғоқ;
- қайнатилган товуқ ёки балик.

Юрак сизга ҳар дақиқа, ҳар сония хизмат қилмоқда. Ундан миннатдор бўлиш учун унга соғлом шароит яратиш — бизнинг бурчимиз. Ҳар юрак уриши, бу — ҳаёт зарбидир. Уни соғлом сақлаш учун бугунроқ ҳаракатни бошланг. Қон босимини назорат қилиң, соғлом овқатланг, руҳий зўриқишни камайтириң.

Унутманг: “Босимим бугун меърада-ку” деган гап эртага кафолат бермайди. Бугун эҳтиёт бўлиң — эртанги соғлигингиз учун!

ТАБИЙ ШИФО — РАЙҲОН ҲАР БИР УЙДА БЎЛСИН!

Қоринда газ йиғилиши, ошқозон оғриши ёки жиғилдон қайнаши — бу ҳолатлар деярли ҳаммада учрайди. Аммо ҳар доим дори шифо эмас, баъзан табиатнинг ўзи етарли бўлади.



Синаб кўринг:

- 3-4 дона янги райҳон баргини 1 стакан сувга солиң;
- 5-7 дақиқа қайнатинг;
- ҳарорат тушгач, дамламани секин-асталик билан ичинг. Ёки вақт бўлмаса — баргларни чайнаб юборинг.

Фойдаси:

- газни тарқатади;
- ошқозонни тинчлантиради;
- кислотани мувозанатлаштиради;
- безовталиқни камайтиради.

Бу — халқ тажрибасида синаб кўрилган, хавфсиз ва самарали усул.

ТЎЙДАГИ “ЎРТАКАШ” СОВҒАДАН “ҚИСМ” ОЛИБ ҚОЛИШИ ЖОИЗМИ?

Нодирбек ОТАМУРДОВ,
Хива шаҳри:

— Тўй ва маросимларда меҳмонларга қараб турадиган одамлар бўлади. Айрим жойларда уларни “уста”, баъзи ҳудудларда “ўртакаш” дейишади. Тўй эгаси барча нарсаларни унга топшириб қўяди. Жумладан, ёши улғу мўйсафидларга, шимли инсонларга совға беришни ҳам шу усталар бажаришади. Бир ўртоғим шундай иш билан шуғулланади. У тўй эгаси меҳмонлар учун совғага, деб берадиган нарсалардан, пуллардан ўзига олиб қолар экан. Бундай қилиб бўлмайди, бировнинг ҳақи-ку бу, десам, “розилик сўраб қўяман”, дейди. Унинг бундай қилиши тўғрими?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.

— Йўқ, бу иш жоиз эмас. Сиз айтган шахслар шаръий манбаларда “вақил” дейилади. Вақил уни ишга ёллаган шахсинг номидан иш қилувчи одам бўлади. Унга хилоф қилиши, айтганига зид иш тутиши мутлақо мумкин эмас. Берилган ҳадяларни кимга айтган бўлса, бир сўмини ҳам олиб қолмасдан, айтилган шахсга бериши лозим. Агар ўзига олиб қолса ёки қасддан айтилган одамдан бошқага олиб бориб берса, жавобгар бўлиб, тўлаб бериши вожиб бўлади. Чунки бу ҳолда бировнинг ҳақини еган бўлади. Розилик сўраб қўйиши қилаётган ишини асло ҳалол қила олмайди.

Вақиллик масаласи фақат маросимларда эмас, ҳаётимизнинг деярли барча соҳасида учрайди. Шунинг учун бундай ишга киришмоқчи бўлган ҳар бир инсон унинг ҳукмига қатъий риоя этмоғи лозим. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “Мусулмон кишининг моли бошқага ҳалол эмас, фақатгина ўзи рози бўлиб, кўнглидан чиқариб берсагина, ҳалол бўлади”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 280 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

ISSN 2020-7013